

УДК 746.3(575.1)+004:378.147.88

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ НАҚШ ВА АМАЛИЙ БЕЗАК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ДАСТУРИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

кат. ўқит. У.Т.Алимов, асс. З.К.Хакназарова
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Мақола олий ўқув юрти талабаларининг мустақил таълим жараёнида миллий нақш ва амалий безак намуналарини замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш орқали бажариш методикасига бағишланган.

Статья посвящена методике выполнения образцов национального орнамента и прикладного узора с помощью современных информационно-коммуникационных технологий в процессе самостоятельного обучения студентам высших учебных заведений.

The article is dedicated to the methodology of performing samples of national ornament and applied pattern by using modern information-communication technologies at independent educational process of the students of the institution of higher education.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иктисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади. Олий таълим муассасалари олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш, талаба ёшларга замон талаблари даражасида билим бериш, давлат таълим стандарти талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ўқув-услугий ишларни илғор мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ташкил этилиши энг муҳим ўринга эгадир.

Биз биламизки, бугунги кунда миллийлигимиз ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келмоқда. Жумладан, кийимларимизда миллий матолар, миллий бичимлар ва миллий нақш ҳамда безак турларининг ўз аксини топиши яққол кўзга ташланадиган ҳодисага айланган. Шу билан бирга бу омил нафақат миллийлигимиз ва миллий ғуруримизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки миллий маҳсулотларимизни туризм кучайган пайтда сотиш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда.

Олий ўқув юртларида муҳандислик ва амалий санъат йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнида танқидий фикрлаш, тадқиқотчилик кўникмалари ва ижодий қобилиятларининг ривожлантирилиши бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мустақил таълим яқка ёки кичик гуруҳлар тартибида, маслаҳат, масофали ўқитиш, курс ишлари, диплом лойиҳалари каби шаклларда ташкил этилиши мумкин.

Талабалар билан наққошлик санъати намуналари устида иш олиб боришни ўрганишда мустақил таълимнинг ташкилий шаклларни тўғри танланиши муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланганидек, талабаларда тадқиқотчилик кўникмалари ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришда индивидуал тарзда бажариладиган мустақил ишларнинг бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жиҳатдан, талабанинг индивидуал таълим олиши шахсга йўналтирилган таълим ёндашувининг амалга оширилишига имкон бериб, педагог томонидан талабанинг билиш йўлидаги хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва уни коррекциялаш ишларининг олиб борилиши енгиллашади.

Миллий наққошлик ва амалий санъат намуналари билан ишлашда шуни кузатиш мумкинки, барча мураккаб санъат асарлари содда элементлардан ташкил топган бўлади. Миллий наққошлик элементлари кўпроқ геометрик тузилишга эга бўлганлиги учун улар билан ишлашда Autodesk AutoCAD 2016 дастурининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ


бўлса, амалий санъат безаклари эса раvon эгри чизиклардан ташкил топганлиги учун уларни CorelDraw x.8 амалий дастурида яратилиши мумкин.

Накш намуналарида қўлланиладиган турли геометрик шаклларнинг рамзий маънолари бор: тўртбурчак- ишонч, тўрт томони тенг тўртбурчак – абадийлик, ёруғлик, ромб – она Ер, беш қиррали юлдуз – дунёнинг ўткинчи эканлиги, қуёш – хаёт рамзи, булут, олов – голиблик рамзи, айлана – бахт, қалампир ёмон кўздан асраш каби маъноларни англатади. Халқ амалий санъатида қўлланиладиган ранглар ҳам ўзига хос маъно касб этиб, қора - мотам, сарик – айрилик, оқ – мусаффолик, кўк – тинчлик, қизил – ғалаба, яшил – она табиатни ифода этади.

Биринчи қарашда мураккаб ва яқунланган тузилишга эга бўлган намуналар ўзига хос бажарилиши техникасига эга бўлади. Мустақил таълим жараёнида талабаларга наққошлик ва амалий безак намуналари берилади.

Талабаларга қўйиладиган муаммоли топширик сифатида мазкур безак элементларининг тузилишини ўрганиш, рамзий маъноси билан танишиш ва комбинаторика методи ёрдамида замонавий руҳдаги рамзий маънога эга бўлган амалий санъат безакларини яратиш топширилади (1-расм).


Безак намунаси билан иш бошлашда талаба мустақил таълимнинг биринчи босқичида элементларнинг ўзаро жойлашуви билан танишиб чиқади ва уларнинг симметрияси бўйича фикр-мулохазалар юритади. Юқоридаги рамдан кўриниб турибки, безак симметрик элементлардан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилишида фақатгина ярим ҳолати бўйича иш олиб борилади.



1-расм. Амалий безак намуналари ва уларнинг тузилиши

Талабаларга қўйиладиган муаммоли топширик сифатида мазкур безак элементларининг тузилишини ўрганиш, рамзий маъноси билан танишиш ва комбинаторика методи ёрдамида замонавий руҳдаги рамзий маънога эга бўлган амалий санъат безакларини яратиш топширилади (1-расм).

Безак намунаси билан иш бошлашда талаба мустақил таълимнинг биринчи босқичида элементларнинг ўзаро жойлашуви билан танишиб чиқади ва уларнинг симметрияси бўйича фикр-мулохазалар юритади. Юқоридаги рамдан кўриниб турибки, безак симметрик элементлардан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилишида фақатгина ярим ҳолати бўйича иш олиб борилади. Autodesk AutoCAD 2016 дастурида накш ёки амалий безак элементларини чизиш учун қатор буйруқлардан фойдаланилади (2-расм): “изменение граней фигуры”, “редактирование - фаска”, “редактирование - сопряжение”, “редактирование - отразить зеркально”, “прямоугольный массив”, “круговой массив”, “рисование - дуга” кабилар.



2-расм. Autodesk AutoCAD 2016 дастурида амалий безак намуналарининг бажарилиши

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олий ўқув юртлари шароитида мустақил таълим олиш жараёни миллийлик элементлари билан уйғунлашган ҳолда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурий таъминотлар асосида ташкил этилиши, биринчидан, талабаларнинг мустақил таълим олишга нисбатан мотивациясини оширади, иккинчидан, тарихий элементларни қайта ишлаш орқали уларнинг замонавий кўринишларини яратиш бўйича тадқиқотчилик ва креативлик кўникмаларини шакллантиради, учинчидан, талабанинг Autodesk AutoCAD 2016 дастурида қатор янги усулларни қўллаш орқали кийим, мато, маиший буюмлар ва ҳоказолар учун безак элементларини яратиш малакаларини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Л.В.Голиш, Д.М.Файзуллаева Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Инновацион таълим технология серияси. – Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2011.-127-128 б.
2. “Тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалалари” мавзусидаги ўтказилган илмий амалий конференция материаллари. –Т., 2008. -162-163 б.
3. Б.Барчард ва бошқалар. “Внутренний мир Auto CAD” (Инглизчадан таржима) Киев: Диа Софт, 2000.